



2015 у.г. «22» август

№ 1066-К

“DALER XOLOD” масъулияти чекланган жамиятига Хитой технологиялари асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун 0,30 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “озик-овқат оварлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорларини тўлдиришга доир ўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сонли қарори, туман ҳокимлиги узуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб иқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза илиш қўмитасининг 2015 йил 29 июндаги 1013-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ эмонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда “DALER XOLOD” масъулияти екланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация илиш) масалаларини кўриб иқувчи комиссия йиғилишининг “DALER XOLOD” масъулияти чекланган жамиятига муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона уришга розилик бериш ҳақидаги баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган р танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. “DALER XOLOD” масъулияти чекланган жамиятига муқобил ёқилғидан ойдадаланадиган иссиқхона қуриш учун МЧ “Мотрит-агротехсервис” агрофирмаси ер ритасининг 153 контуридан жами 0,30 га (шундан 0,30 га туман захирасидаги ули ерлар) ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон еспубликасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2015 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж.Хужамуродов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими 3. Олимов)га топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талабларини узган ҳолда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ринбосари Қ. Курбонов зиммасига юқлансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиоров